

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2015 йил  
18 март  
ЧОРШАНБА  
№ 21 (12761)

www.th.uz

Сайлов — 2015

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси

Президентлигига номзод Ислон Каримов 16 март куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.



Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Н. Абдуллаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислон Каримов ўз сайловолди дастури



юзасидан нутқ сўзлади. Дастурда саноатни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда

фатини изчил ошириб бериш, хорижий давлатлар билан ўзаро манфатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Тошкент вилояти ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноати ва қишлоқ хўжалиги билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Вилоятда ёқилғи-энергетика мажмуаси, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича корхоналар фаолият кўрсатмоқда. АҚШнинг "General Motors" компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган автомобиль двигателлари заводи, Олмалик, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларидаги йирик саноат мажмуаларида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми изчил ўсмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида бундай субъектлар ва уларнинг иқтисодиётдаги ҳиссаси тобора ортиб бораётди.

Фермер ва деҳқонлар нафақат вилоят, айни чоғда пойтахтимиз аҳолисини ҳам мева, сабзавот, узум, гўшт, сўт ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Меҳнат фахрийси С.Салоҳиддинов, Бўка туманидаги "Ёқутхон-Саид" фермер хўжалиги раҳбари С. Сайдуллаев ва бошқалар вилоятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, бунёдкорлик туфайли шаҳар ва қишлоқлар замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бораётганини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик миллий қонунчилигимиз ва ҳалқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда тайёрганини қайд этди. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига фаол иштирок этишга чақирди.

А. САМАДОВ,  
Б. ХИДОЯТОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари.

Маънавият

## АРГУВОННИЙ НАВРЎЗ

Ўзбекистонда Наврўз қатагон қилинган даврлар эди. Собик иттифокда бошланган қайта қуриш ва ошқоралик сиёсати ҳам Ўзбекистонда гўл ва Иновлар гуруҳи амалга оширган "қама-қама"ларга чек қўйилмаган эди. Мансаб курсисидан айрилиб қолиш васвасасига тушган айрим қазо-қазо сиёсатчилар халқнинг тўрт минг йиллик байрамини даф қилмоқчи, унинг ўрнига "Навбаҳор" деб аталган, гўё замонавий, аммо, аслида сунъий байрамни жорий этмоқчи бўлишди. Таниқли зиёлиларимиздан айримлари матбуотда чиқиш қилиб, бунини қўллаб-қувватлади ҳам.

Лекин табиат ҳуқуқсиз бир инсон эмас эдики, бундай қарорлардан қўрқса!

Ўша йили ҳам тун билан кун, барибир, баробар келди. Эътидоли раббийий, яъни баҳорги кеча ва кундуз тенглиги содир бўлди. Дунё яшарди. Майсалар қўлади. Боғлар чаман бўлди. Дарахлар қийос гуллади. Деҳқон экин-тигинини бошлаб юборди...

Ўша Наврўз қатагон бўлган қунарни йўлим тушиб, Тошкентдаги собиқ "Россия", ҳозирги "Грант-при" меҳмонхонаси олди-дан ўтиб қолдим. Меҳмонхона саҳнида беш-олти аргувон дарахти ўсарди. Бу ўтмиш шoirларимизга олам-олам илҳом берган, ўзи ҳам эндиликда юртимизнинг Тошкентдан бошқа ерларида қарийб йўқолиб кетаяётган жуда ноёб, ҳаддан зиёд гўзал дарахт, нақд Аллоҳ яратган бир мўъжизани ўзи!

Аммо, қай кўз билан қўрайки, ана шу аргувон-

ларни тамом каллаклашибди! "Нахотки, Наврўзни ман этувчи қарорнинг шу тилсиз, забонсиз дарахларга ҳам алоқаси бўлса?!" деб ўйлаганман ўшанда. Балки бу иш аргувонларга янгича шакл бериш даражидида қилингандир. Бирок, ҳар қанча уринмай, менга бу Наврўз ҳақидаги ўша "қора" қарорнинг таъсири бўлиб туюлаверди. Чунки Наврўз ҳам, аргувон ҳам бизнинг гўмдон бўлган, қалбимиздан сидириб, дийдамиз олди-дан сугуриб ташланган не-не миллий маънавий бойликларимиз ичра базур омон қолган сарватларимиз эди-да. Яна қим билсин, Наврўзга қўшиб аргувонни Ер юзидан улоқтириб ташлашдан лаззат топаётганлар ҳам бўлгандир.

Хуллас, ўшанда кун бўйи кўнглим ёришмади.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси

ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ 31-МОДАСИГА БИНОАН «ОВОЗ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ» ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги Қонуни 16-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар Дастури" ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округи участка сайлов комиссияларига:

— сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига кириштирилиши ва сайлов участкаларида ҳаммаининг танишиб чиқиши учун сайловчиларнинг рўйхати тақдим этилишини таъминласин;

— мuddатидан олдин овоз беришни ўтказиш жорий йилнинг 19 март куни бошлаб, 27 март тугатилсин, мuddатидан олдин овоз бериш вақти ҳар кун соат 9:00 дан 18:00 гача амалга оширилсин, бунда "Умра - 2015"да иштирок этадиган зиёратчиларга алоҳида эътибор қаратилсин.

2. Сайлов варақалари ва сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияларига белгиланган мuddатларда етказилсин.

3. Маъмур қарор ижросини назорат қилиш 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Х. Сувонов зиммасига юклатилсин.

4. Маъмур қарор матбуотда эълон қилинсин.

10-Тошкент вилояти  
округ сайлов  
комиссияси раиси

Н. АБДУЛЛАЕВ.

Тошкент шаҳри, 2015 йил 14 март.

Тадбир

## НАВБАТДАГИ ТИНГЛОВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛДИ

Республика Президентининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида вилоят ҳокимлиги қосида ташкил этилган ўқув курси фаолият бошлаганига бир йил бўлди.

Вилоят халқ таълими ходимлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти базасида йўлга қўйилган ўқув курсида тингловчиларга юқори савияда назарий-амалий билим ва маълумотлар бериш билан бирга, дарслар замонавий педагогик технологияларнинг интерфаол усуллари, ахборот-коммуникация ва инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда қизиқарли тарзда ўтилади.

2015 йил 1 январь ҳолатига вилоятда 1158 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд бўлиб, уларнинг 4200 дан зиёд ходимлари ўз малакаларини ошириб боришлари

лозим. Жумладан, 2014 йилда режага мувофиқ 1506, бу йилнинг дастлабки икки ойида эса 344 тингловчи малака оширди.

— Кунини кеча ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказилган тадбирда, — дейди ўқув курси директори Аҳмадjon Ҳўназаров, — ташкилотимизнинг бир йиллик фаолияти сарҳисоб қилиниб, навбатдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, ўқув курсимизда малака оширган навбатдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва маслаҳатчиларидан иборат гуруҳ тингловчиларига сертификат топширилди.

Ўз мухбиримиз.

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни округ комиссияси раиси Нурмуҳаммад Абдуллаев олиб борди.

Комиссия аъзолари Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури"да белгиланган тадбирларнинг ижроси ҳамда мuddатидан олдин овоз бериш масалалари ва амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги вазифаларни атрофлича муҳокама қилишди.

Таъкидландики, барча сайлов участкаларида сайловчилар рўйхати тўлиқ шакллантириб бўлинди. Сайловга тайёргарлик жараёнида "Аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш-

нинг долзарб вазифалари" мавзусида ҳудудий семинарлар ташкил этилди, 872 та участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада ошириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишга бағишланган семинар-тренинглар ўтказилди. Бундан ташқари, барча сиёсий партиялардан Президентликка кўрсатилган номзодларнинг ишончли вакилларининг сайловчилар билан учрашувлари ташкил этилмоқда.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Умумхалқ ҳашари

## КЕКСАЮ ЁШ ФАОЛ ҚАТНАШДИ

Йилнинг қандай келиши Наврўзи-дан маълум деганларидек, Кекса-ларни эъзозлаш йилининг Наврўзи бутун Ўзбекистон халқи Президент сайловларида Ватан раънақи, турмуш фаровонлиги учун яхши ниятлару кўтаринки руҳда овоз беришга

Вилоят ҳокимининг умумхалқ ҳашарини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳақидаги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги 1158 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчилари, шунингдек, 1 миллион 599 минг аҳоли, шу жумладан, 1 миллион 69 минг ёшлар ҳашарда қатнашди. Бутун вилоят ҳудудида 5714 гектар майдонда, яъни 152 та қишлоқ, 991 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида, 1425 та таълим-тарбия, 362 та тиббиёт муассасаларида, 5 та музей, 18 та маданият ва истироҳат боғлари, 81 та спорт иншоотлари, шунингдек, барча корхона, ташкилот ва муассасалар ҳудудларида ободонлаштириш тадбирлари ўтказилди. 2411 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. 773 та зиёратгоҳ ҳамда қабристонлар тартибга келтирилди. Ушбу ободонлаштириш ишлари-га 1498 та техника воситалари жалб этилиб, ҳудудлар 8492 тонна маийиш ва қурилиш чиқиндиларидан тозаланди.

Тураржой мавзелари ва

тайёрланаётган ажойиб дамларда таширф бўймоқда. Шу боис ушбу баҳор байрами арафасида бутун мамлакатда оммавий тус оладиган анъанавий умумхалқ ҳашарида кексаю ёш бу йил, айниқса, фаол иштирок этди.

маҳаллаларда 2 миллион 437 мингдан зиёд дарахларга шакл берилиб, оқланди. 1 миллион 340 мингга яқин манзарали ҳамда 1 миллион 367,7 минг туп мева ва қарийб 1 миллион 735 минг туп турли гул кўчатлари экилди.

Умуман, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш омилиги давом этаётган кунларда ҳомийлар ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг вилоят бўлими, шунингдек, унинг туман ва шаҳар бўлиналари ижтимоий ҳимояга муҳтож 1996 оиланинг уй-жойларини таъмирлаб бериш учун тегишлича 82 миллион 416 минг ва 2 миллион 200 минг сўмлик ёрдам кўрсатди. Кўп болали ва боқувчисини йўқотган 2930 оиллага, 903 нафар ёлғиз кекса-



Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА УНДИРИЛАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ ЯНГИ МИҚДОРЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 52(656) сон, 636-модда) 4-банди ҳамда Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларига (рўйхат рақами 2643, 2014 йил 26 декабрь) асосан, деҳқон (озик-овқат) бозорлари, ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари (савдо комплекслари) фаолиятини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, бозорлар ва савдо комплексларида пул оқимлари тўлиқроқ ҳисобга олинишини таъминлаш, шунингдек, сифати паст, қалбаки ва контрабанда маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик мақсадида, ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят молия (Д. Убайдуллаев) ва Давлат солиқ бошқармасининг (К. Мамайтасев) тақлифларига асосан, Бозор ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимларнинг миқдорлари 1-иловага мувофиқ, бозорлар ва савдо комплексларида кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдорлари ҳамда бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва бошқа мол-мулкларга кўрсатиладиган мажбурий хизмат турлари миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш" бош бошқармасининг Тошкент вилояти бўлими (М. Акилов) ва бозорлар ва савдо комплекслари маъмуриятлари билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларидан тушадиган йиғимларни белгиланган тартибда тўлиқ ундирилишини таъминласинлар ҳамда бир марталик йиғим, ижара тўлови миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, кўрсатиладиган мажбурий хизматларнинг тасдиқланган рўйхати ва қийматини бозорлар ва савдо комплексларида кириладиган барча жойларга осиб қўйсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш" бош бошқармасининг

Тошкент вилояти бўлими (М. Акилов) бозорлар ва савдо комплекслари маъмуриятлари томонидан бозорларда ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, кўрсатиладиган хизматлар, фойдаланганлик учун ижара тўловлари йиғим миқдорларини қўйатириш эъзига тушадиган даромадларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52(1)-сон; 2008 й., 52-сон, 512-модда) белгиланган тартибда бюджетга йўналтирилишини назорат қилсин.

4. "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентска правда" газеталари тахририяти (У. Абдушодилов)га вилоят ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғим ва кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида тарғиб қилиб бориш тавсия этилсин.

5. Тошкент вилояти ҳокимининг 2014 йил 22 февралдаги 46-сон "Тошкент вилоятидаги бозорлар ва савдо комплексларида ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Маъмур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлдан қилинган.

7. Маъмур қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосари А. Абдуқодиров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

А. УСМАНОВ.

Тошкент шаҳри, 2015 йил 25 февраль.



## Ижтимоий жараён

Болалик онгимиз, шу-римизда "Оналар байра-ми" дея ўрнашиб қолган хотин-қизлар кунин ҳам Кексаларни эъозлаш йил-нинг қўлғул байрамлари қаторида тарихга муҳр-ланди. Олдинда – Нав-рўзи олам шодиёналари. Яна онахонларимиз, аёл-ларимиз тараддуди деҳ-қон бобо сый-ҳаракатла-рига қўт-барақа тиламоқ-да. Зеро, сумалак учун ун-дирилаётган бугдой май-салари онахонларнинг меҳру тафти билан ниш-уриб, бош кўтармоқда.

Шуни ўйлар эканмиз, вилотимиз хотин-қизла-ри, онахонлари учун яра-тилган шариотлар, имко-ниятлар ҳақида фикр айт-гим келди. Ахир оналик – бу, бахт, масъулият, ма-шаққатли меҳнат дегани-да... У жонидан жон яра-тади, бутун гўзаллигини, ёшлигини зурриётга бахш этади. Бундай фи-дойлик мустақиллик йил-ларида қадрланди, муно-сиб рағбат топди. Мамла-катимиз раҳбарининг: "Мустақил тараққиёт йил-ларида Ўзбекистонимиз-ни ҳар томонлама раванг-топтириш, олдинда тур-ган эзгу мақсадларга эри-шиш йўлида бутун халқи-миз қатори хотин-қизла-римизнинг ҳам бекиё-хиссаси борлигини биз ҳақиқати миннатдорлик билан таъкидлаётган" де-ган сўзлари айнан вилот-имиз аёлларига қарата айтилгандек гўё... Дарҳа-қиқат, ҳар баҳода фаол аёлларимиз эътибор, эъозга лойиқ. Буни биз

ҳар куни, ҳар қадамда сезиб, ҳис этиб яшаёт-миз. Айниқса, оналар ва болалар саломатлиги йўлидаги сый-ҳаракатлар ҳар биримизнинг кўнгли-мизни фахр-ифтихор туй-ғуларига тўлдирди: "Фа-қат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади, – дей-ди Президентимиз. –

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ врачлик пунктларини яна-да мақбуллаштириш ва фаолияти самардорлиги-ни ошириш чора-тадбир-лари тўғрисида"ги қаро-ри асосида аҳолига кўрса-тилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланмоқда. Шифокорлар, ҳамшира-

Шу ўринда айтиш ке-ракки, саломатлик гаро-ви, аввало, ҳар бир аёл-нинг тиббий маданияти-га боғлиқ. Шу мақсадда уюштирилаётган маъна-вий-маърифий тадбир-ларда тиббиёт, жамоатчи-лик ташкилотлари вакил-лари иштироки муҳим аҳамиятга эга.

корлигида ўтказилаётгани ҳам ўз самарасини кўр-сатмоқда. Вилотимиз-нинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти соврин-дорлари, Халқаро микёс-дид ва республика спорт мусобақалари чемпионла-ри, ғайрат-шижоатли, исте-ъдодли ёшлари, авва-ло, соғлом оила, оқил-доно ота-оналар, кенг жа-моатчилик тарбиясини кўриб улғайтишмоқда. Улардан бири Чирчиқ Олимпия заҳиралари колле-жи ўқувчиси, қиравиллик Умида Абдуллаева бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб кў-рилди. Бу бежиз эмас. У спортнинг таъкид тури бўйича халқаро мусобақа-ларда 1-ўринни эгаллаб келмоқда. Бу каби ёшлар қамолотида, албатта, она-лар хизмати алоҳида.

Инсонпарварлик тамо-йиллари устувор бўлган мустақил Ўзбекистон хал-қи тобора фаровонлашиб бораётган, тараққиётга юз-тутган эркин, озоод, ҳур диёрда яшамокда. Умири узун, бахти бутун бу эл-да шунинг учун ҳам ўртача умр кўриш ёши узайиб бормоқда. Вилотимизда 100 ва ундан ошган ну-ронийларимиз кўп. Кекса-ларни эъозлаш йилининг хосиятлари тўғрисида са-фи янада кенгайиши, бахтиёр ўғил-қизлар, ота-оналар қувончи бардавом бўлиши шубҳасиз.

**Насиба КУЛБЕКОВА,**  
вилот ўқимлиги оналик  
ва болалиқни муҳофаза  
қилиш котибияти  
мудир.

## ОНАЛАРНИ АВАЙЛАШ – БУРЧИМИЗ

Фақат ақл-заковатли, маъ-рифатли оналаргина ко-мил инсонларни тарбия-лашга қодир бўлади".

Вилотимизда, таъкид-ланганидек, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкам-лаш, оила, оналик ва бо-лалиқни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий етук ёш авлодини вояга ет-казишга қаратилган "умуммиллий дастурлари-миз" изчил ижро этилмоқ-да ва ўз самарасини бер-моқда.

Хусусан, репродуктив саломатлиқни мустаҳкам-лаш ва соғлом оилани шакллантиришга оид иш-лар натижасида оналар ва болалар ўлими камайди. Аёллар, оналарни тиббий кўриқдан ўтказиш, соғли-гини назорат қилиб бо-риш учун етарли шариот-лар мавжуд. Оилавий по-ликлиникалар ташкил этилмоқда. Ўзбекистон

лар малакасини ошириш мақсадида семинарлар уюштирилаётгани, мо-дий ва маънавий рағбат-лантириш чора-тадбирла-рини мақсад ҳам аҳоли саломатлиги йўлида фи-дойлик кўрсатаётган тиб-биёт ходимлари сафини кенгайтириш, оналар ва болалар соғлиғига алоҳи-да аҳамият беришдан иборат. Шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари-га ажратилаётган "Дамас" автомашиналари, жаҳон андозалари даражасида-ги тиббий жиҳозлар бил-лан таъминланганлик соҳа ходимлари учун ҳам қулай-лик, ҳам масъулиятдир. Жумладан, Юқори Чирчиқ тумани тиббиёт бирлаш-маси, бир неча ҚВПлари-даги мавжуд замонавий тиббий жиҳозларни қўл-лашда юқори малакали шифокор, ҳамширалар фаолияти зарур.

Ўзбекистон Хотин-қиз-лар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган "Ораста қизлар" тўғара-ги, "Зумрадойлар давраси", асосан, бўлғуси она-лар, ўсмир қизлар тиб-бий маданиятини оши-риш, покизалик, пазанда-лик, чеварлик, одоб-ахлоқ, ҳаё-иба кўникмала-рини, миллий-маънавий қадриятларимизга ҳур-мат, садоқат руҳини шакллантириши шубҳа-сиз. Бунда кекса онахон-лар, кайвонларнинг ўғил-қизларга берадиган маслаҳатлари, ҳаёт таж-рибалари қониқойди. Ёш оналарга ҳам зарур бўладиган панд-насихат-лар оналар соғломлиги, фарзандлар қамолли-ни зарур. Барча тадбирлар вилотимизнинг 991 та маҳалла фуқаролар йи-ғинлари, халқ таълими, тиббиёт ходимлари ҳам-

Чирчиқ олий танк кўмондонлик муҳандислик билим юртида муд-датли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган йигитларга мамлакатимиз олий таълим муассасаларига имтиёзли ўқишга кириш имконини берадиган тавсияномалар топширилди.

## МУНОСИБЛАРГА ИМТИЁЗ

Шу муносабат билан ташкил этил-ган тадбирда ҳарбийлар, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходим-лари иштирок этди.

Ҳарбий соҳада амалга оширилаёт-ган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани, ҳар-бий қисм ва таълим муассасаларида аскарлар учун барча зарур шариот-яритилгани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Ватанимиз осойишта-лиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларга қулай шарт-шариот яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширил-моқда. Ҳарбий хизматга жисмонан соғлом, билимли ва юксак салоҳият-ли ёшлар саралаб олинаётди. Наму-нали хизмат қилган аскарлар олий ўқув юртларига ўқишга киришда им-тиёз берадиган кўмондонлик тавсия-номасини қўлга киритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республика-си Қуролли Қучлари сафида мuddат-ли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фу-қароларга имтиёзлар тизимини тако-миллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўла-тир.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ҳарбий қисмларнинг тегишли тавсияномаси-га эга бўлган фуқароларга барча йўна-лиш ва мутахассисликлар бўйича мам-лакатимиздаги олий ўқув юртларига ўқишга киришда тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилади.

– Болалигимдан ҳарбийлик либо-сини кийишни орзу қилардим, – дей-ди наманганлик Равшан Оталиқов. – Шу мақсадда спорт билан шуғуллан-дим. Ўқиб-ўргандим. Бу тайёргарли-гим коллежни битириб, армияга ке-тиш учун ўтказиладиган синовларда қўл келди. Чирчиқ олий танк кўмон-донлик муҳандислик билим юртида хизматни ўташ чоғида олий ҳарбий таълим муассасасида ўқиш истагини янада ортди. Ҳарбий қисм кўмондон-лигининг мамлакатимиз олий ўқув юртларига имтиёзли ўқишга кириш имконини берадиган тавсияномасини олиш учун ўтказилган тестда юқори балл тўплаб, шу ҳужжатга эга бўлдим. Энди Тошкент олий умумқўшун кўмон-донлик билим юртига ўқишга кириш, ҳар жиҳатдан етук офицер бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

Билим юрти ҳарбий оркестри жа-моасининг концерт дастури, Чирчиқ-даги 15-музыка ва санъат мактаби тарбияланувчиларининг бадий чи-қишлари тадбирга байрамона кайфи-ят бағишлади.

У.А.

## БОЛА ТАРБИЯСИГА ҲАММА МАСЪУЛ

Халқимизда "Бўладиган бола бошидан маълум" деган ибора кўп тилга олинади. Қай-сикси, жуда кичик ёшидан оқ-доб-ахлоқ, таълим-тарбия-си, иқтидори билан атрофи-дагилар меҳрини қозонадиган болажонларга "бўладиган бо-ла" дея таъриф берилади. Лекин, бу уларнинг тарбияси-га "бефарқ бўлиш мумкин" дегани эмас. Инсон энг ав-вал ўзи яшайдиган муҳитга мослашади, яъни яхши амал-ларга эш хонадонда гул, ло-қайдлик, худбинлик ҳукм сур-ган жойда қақиртиканак униб чиқиши бор гап. Олдиёроқ қилиб айтадиган бўлсак, "кал-такнинг боши тегадиган" оила, маҳалла, мактабдаги муҳитга жавобгар, масъул-ларнинг ўрни ва роли алоҳи-да аҳамият касб этди.

Яқинда Халқ таълими ва-зирлиги масъул ходимнинг "Маърифат" газетасида "Маънавий-маърифий жараён одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишга боғлиқ" мавзусидаги мақоласини ўқиб, вилотимизнинг айрим мактаблари-даги тарбиявий ишлар юза-сидан билдирилган танқидий фикрларга кўзим тушди. Унда қатор мактаблардаги ахвол, ўқувчиларнинг одоб-ахлоқ қоидалари билан таништи-рилмагани ҳақидаги ачинар-ли мулоҳазалар ҳеч кимни бе-фарқ қолдирмагани аниқ. Ма-қолада тилга олинган мактаб-лар жамоаси, ўқитувчи ва ўқувчилари ўзларига тўғри хулоса чиқариб олганларига ишонгимиз келади, албатта.

Лекин, вилотимизда мако-ла муаллифи таъкидлагани-дек: "Масъулиятли, меҳнатсе-вар, ҳурмат-этиборга сазо-вор педагоглар, намунали



этирофга лойиқ, ўрнат олса арзийдиган мактабларимиз" ҳам йўқ эмас. Хусусан, Ангрен шаҳри, "Қорабоғ" маҳалласи-даги 25-умумтаълим мактаби жамоаси ҳақида шундай илқ фикрларни айтиш мумкин.

Бахорнинг илк кунларида атоқли шоира Зулфия тавал-лудининг 100 йиллигига ба-ғишлаб 7-9-синфларда "Мен қуёшли юрт фарзандиман" мавзусида ўтказилган маъна-вий-маърифий тадбир, "Орас-та қизлар" ҳафталигидаги уч-рашу, давра суҳбатларини кузатиб, шу фикрларни ай-тишга журъат этдик. Мактаб ховлисидаги орасталик, тоза-озода, шинам синф хоналар, қўлларни кўксига, тавозе билан салом бераётган ўқувчилар, ўғил-қизлар одобидан кўнгли яйрагани рост. Зеро, Прези-дентимиз юксак маънавият эгаси дея таъкидлаган, вафою садоқат, меҳр-оқибат, маъна-вий-ахлоқий фазилатлари би-лан ҳурмат-этибор қозонган ардоқли шоирадан ибрат

олаётган ўқувчиларнинг ихлос ва ҳаваси, шунингдек, тил-адабиёт ўқитувчиси Наргиза Ишметова бошчилигида тайё-рланган адабий-бадий ком-позиция барча иштирокчилар-нинг самийий эътирофига са-зovor бўлди.

– Мен 40 йилдан буён ўқитувчи, тарбиячи, маҳалла маслаҳатчиси ва бошқа вази-фаларда ишлаб келаяпман, – деди меҳнат фахрийси Був-сара Нормирзаева. – Бугун 25-мактабнинг фидойи ўқи-тувчилари, оқила, ораста, одоб-ахлоқли ўқувчилари дав-расида туриб, ғоят қувондим. Ахир, сиз ота-онангиз, жона-жон мактабингиз, устозларингиз, маҳаллангизнинг юзи-сиз. Айниқса, миллий-маъна-вий қадриятларимизга садо-қатингиз, катталарга ҳурма-тингиз бошқаларга ибрат бўлса арзийди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири,  
Гушода ШАХАНОВА  
олган сурат.

Халқ депутатлари вилот Кенгаши-нинг биринчи сессияси қарорига асо-сан, Кенгашининг Регламент ва депутат-лик одоби масалалари бўйича доимий

комиссияси тузилган эди. Айни пайтда комиссия аъзолари амалга ошираётган ишлар хусусида комиссия раиси Муни-ра Кориева билан суҳбатлашдик.

## ДЕПУТАТЛИК МАСЪУЛИЯТИ

– **Мунира Жўраева,** айтилган, комиссия олди-га қўйилган асосий вази-фа нимага асосланган?

– Ҳаммамизга маълумки, ўтган йилнинг декабрь ойи-да Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлиси ҳамда Халқ депутатлари вилот, туман ва шаҳар Кенгашла-рига сайлов бўлиб ўтди. Комиссиямиз мазкур сай-ловда халқ ишончини қозон-ган вилотимиз депутата-рининг самарали фаолият юритишлари учун зарур ёрдамларни кўрсатади. Улар Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби қоидала-рига амал қилишлари ва таъбир жоиз бўлса, қатъий бўйсунушлари керак. Агар ушбу қоидаларга амал қилиш Кенгашининг нечоғлиқ даражада фаолият юритаёт-ганини белгилочи мезон-лардан бири эканини ҳисоб-

га оладиган бўлсак, комис-сия олдида ғоятда муҳим ва улкан вазифа қўйилганини аниқлаш мумкин бўлади. Пре-зидентимиз ҳам бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида алоҳида тўхталиб, депутатлар олди-да турган оғир ва масъули-ятли вазифаларга эътибор қаратиб ўтган эдилар.

– **Белгиланган вази-фарни амалга ошириш жараёни қандай кечаяп-ти ва бунда асосан ни-маларга эътибор қара-тилмоқда?**

– Аввало, 2015 йилга мўлжалланган иш режаси лойиҳасини тайёрлаш ва уни доимий комиссиянинг биринчи йиғилишида муҳо-кама қилиб, Халқ депутатла-ри вилот Кенгашининг нав-батдаги сессиясига тасдиқ-

лаш учун киритдик. Фаоли-ятимизнинг қисқача мундари-жаси ҳисобланмиш мазкур режадан доимий комиссия ўтказадиган назорат-таҳлил ишлари, фаолиятимиз сама-радорлиги ошишига қара-тилган семинар ва давра суҳбатлари ҳамда шунга ўхшаш турли тадбирлар жой олган. Ушбу вазифаларнинг вақтида ва сифатли баҳари-лиши учун ҳар бирига ало-ҳида масъул депутатлар би-риктирилган. Шунингдек, заруратга қараб иш режаси-га ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳам назарда тутил-ган. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишми мумкинки, комиссиямизни олдинда жуда масъулиятли вазифа-лар кутиб турибди.

**«Тошкент ҳақиқати»**  
мухбири **Авазбек**  
худоқулов  
суҳбатлашди.

## ЁШ ОИЛАЛАРГА «КАМОЛОТ» УЙЛАРИ

«Ўзбекистон Республикасида ёш-ларга оид давлат сиёсатининг асо-слари тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-публикаси Қонуни, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республи-касида ёшларга оид давлат сиёсати-ни амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да»ги Қарори, шунингдек, Вазирлар

Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувват-лаш, уларнинг уй-жой ва маиший шариотларини яхшилашга оид қаро-рига асосан вилотнинг Ангрен, Бек-обод ва Олмалик шаҳарлари, Охан-гарон ва Бўстонлик туманларида кўп қаватли «Камолот» уйлари қурилди.



Хўш, бу уйлар ёш оилаларга қандай шарт ва имтиёзлар асосида берилади? «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳарака-ти вилот кенгаши раис-и ўринбосари Мирзабек Тошбоев билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

– **Мирзабек Махмуд-жонович, бу уйлارга асосан қандай ёш оилалар эга бўлиши мумкин?**

– «Камолот» уйлари-га эга бўлишга оид умумий қоидаларга кўра, аввало, оила қурган ҳар бир эр-хотиннинг ёши 30 дан ошмаган бўлиши керак. Ҳаракатнинг Марказий кенгаши томонидан бе-риладиган тавсиянома имтиёзли ипотека креди-ти олувчи билан у яшов-чи, яъни доимий рўйхат-дан ўтган жойдаги тижо-рат банки ўртасида кре-дит шартномаси тузиш учун қонуний асос ҳисоб-ланади.

Кўп қаватли уйлардаги квартиралар тавсиянома-га эга ёш оилаларга ти-жорат банклари томони-дан сотиб олинadиган квартира қийматини тўлаш учун, шу жумладан, 5 йиллик имтиёзли давр билан, дастлабки бадал-ни тўламай, республика Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига тенг фоизда 20 йил мuddатга берила-диган имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш ор-қали мулк қилиб берила-ди.

– **Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши тавсиялари қайси оилаларга ва қандай тартибда бери-лади? Бошқача айтган-да, «Камолот» уйлари-ни ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқи қандай оил-лар эга бўлади?**

– Турархўй шариотла-рини яхшилашга муҳтож сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, ада-биёт, спорт ва бошқа со-ҳаларда юксак натижа-ларга эришган ёш оила соҳиб ва соҳибалари, қоидага кўра, давлат му-кофотлари, «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишон-и эгалари, нуфузли халқа-ва республика мусо-бақалари, танлов ва олимпиадалар соврин-дорлари «Камолот» уйла-ридаги квартираларни ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқи эга бўладилар.

Эр ва хотин хусусий уйга эга бўлишмаса, оила аъзолари орасида Соғ-лиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган рўйхатга мувофиқ ўқитиш сурункали қасалиқдан азоб чекув-чи ва алоҳида кварта-рада яшашга муҳтожлар бор бўлса, «Камолот» ЕИХ Марказий кенгаши томо-

нидан турархўй шариот-ини яхшилашга муҳтож сифатида уй олувчи ёш оилалар рўйхатига кири-тилади.

– **Ёш оилалар «Камолот» уйларида кварти-ра олиш учун Ҳаракат-нинг туман ёки шаҳар кенгашига қандай ҳуж-жатлар тақдим этиши-лари керак?**

– Аввало, кенгаш раис-и номига ариза ёзиша-ди. Унга никоҳ тўғриси-даги гувоҳнома, оила тар-киби ҳақида турархўйдан маълумотнома ва оила аъзоларининг паспорт (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома)лари, иш бе-рувчининг муҳри билан тасдиқланган меҳнат дафтарчаси, шунингдек, доимий иш жойидан ари-за берувчи (оила аъзола-ри)нинг охириги 12 ойда-ги даромади тўғрисида берган маълумотнома ёки яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати тасдиқла-ган охириги 12 ойдаги да-ромадлари декларацияси нусхалари илова қилина-ди.

Бундан ташқари, рес-публика Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Дав-лат кўмитаси ҳудудий бўлимиш эр-хотинда мулкка эгалик ҳуқуқи асо-сидаги турархўй йўқли-ги тўғрисидаги маълумотнома ҳам тақдим эти-лади.

– **Ёш оилалар тўпла-ган ҳужжатлар қандай тартибда қабул қилиб олинади ва кейин улар билан ишлаш қай йўсунда давом этади?**

– Эр-хотиннинг ариза-си алоҳида журналда рўйхатдан ўтказилади. Ҳужжатларни эса Ҳара-катнинг шаҳар ёки туман кенгаши масъул ходими рўйхат бўйича қабул қила-ди ва нусхалари улар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган ҳолда тилхат остида ариза берувчига қайтарилади.

Ҳаракатнинг туман ёки шаҳар кенгаши қабул қилинган ҳужжатларни икки кунлик мuddат ичи-да қўриб чиқиш учун ҳуд-дий комиссияга юбора-ди. Комиссия ҳужжатлар-

ни улар қабул қилинган кундан бошлаб 10 иш кунни мuddатда белги-ланган талабларга муво-фиқлигини ҳар томонла-ма ўрганади, ҳақиқийли-гини текширади, шунинг-дек, уларнинг талабга му-вофиқлиги ва ҳақиқийли-ги учун жавоб бериши.

Ҳудудий комиссия ариза берувчининг уй-жой шариоти ва кредит-га лаёқатлигини бево-сита жойига чиқиб ўрга-нади ва текшириш дало-латномаси тузади. Шу-нингдек, қўриб чиқиш натижаларига мувофиқ, ёш оилани турархўй шариот-ини яхшилаш учун ҳисобга қўйиш ёки рад этиш тўғрисида хулоса беради. Ҳисобга қўйиш тўғрисидаги хулоса тек-шириш далолатномаси тақдим этилган ҳолда уч кун мuddатда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳара-кати Марказий кенгашига юборилади.

Ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ҳудудий комиссия икки кун мuddатда ҳужжатлар-ни хулосани рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда Ҳаракатнинг туман ёки шаҳар кенгашига қай-таради. Ушбу кенгаш ўз навбатида бу ҳужжатлар-ни икки кун мuddат ичи-да ариза берувчиларга қайтариб, рад этиш са-бабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда ха-бардор қилади.

Ҳаракатнинг Марказий кенгаши ёш оилани ҳи-собга қўйиш ёки рад этиш тўғрисидаги қаро-рини ҳужжатлар тегишли ҳудудий комиссия тақдим этган кундан бошлаб 5 иш кунидан кечикмай қабул қилади ва ушбу қарорни 5 иш кун ичида тегишли ҳудудий комиссияга юбо-ради. Ҳудудий комиссия эса, Марказий кенгаш қароридан ариза берув-чини ва Ҳаракатнинг те-гишли туман ёки шаҳар кенгашини 5 иш кундан кечикмай ёзма равишда хабардор қилади.

**«Тошкент ҳақиқати»**  
мухбири **Абдусамад**  
**Йўлдошев**  
суҳбатлашди.

## ЭЛ КОРИГА ЯРАШ БАХТИ

Ҳар бир депутат фаолияти замирида ўз электорати манфаатлари, уларга муносиб турмуш шарт-шариот-ларини яратишдек эзгу мақсад мужассам. Қонунда белгиланган ваколатларини қўллаш орқали бугун де-путат ўз вазифарларини қай даражада бажармоқда? ҲДП Янгийўл туман кенгаши депутати Рустамбек Ҳам-робеков билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

– Мен туман кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллан-тириш ва ижро этиш, иқти-содий ислотхотни амалга оши-риш ва тадбиркорлиқни ри-вожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия аъзосиман. Комиссия мунта-зам ўқув-семинар ва йиғи-лишлар ўтказиб, иқтисодий-ижтимоий ривожланишга доир муаммоларни ҳал этиш-га ҳаракат қилмоқда.

Илгари маҳалламизда гу-зар йўқлиги учун аҳоли кун-далик зарур маҳсулотларни харид қилишда қийналарди. 2012 йилнинг майида гузар барпо этдик. Энди турли савдо дўконлари, новвойхо-на ва бошқа маданий-маи-ший объектлар аҳоли хизма-

лотлар билан ҳамкорликда туман ёшларини миллий кадриятларга эътиром руҳи-да тарбиялаш, уларнинг са-ломатлигини асраш ва соғ-лом турмуш тарзини шакл-лантириш мақсадида ўқув-амалий семинар ва байрам тадбирлари ўтказдик. Зеро Давлатимиз раҳбари таъ-шайётган талаб ва мувожа-атларни вақтида ҳал этишга ҳаракат қилияпман. Жумла-дан, марказий Самарқанд кўчаси капитал таъмирлан-ди. Бунинг учун қорхона ва ташкилотлар 26 миллион сўм маблағ ажратди. Кейинги олти ойда аҳоли-дан 45 дан ортиқ мурожа-ат тушиб, ҳаммаси ижобий ҳал этилди. Эски Қовуничи ҳамда Ёшлик қишлоқларида яшов-чи ижтимоий ҳимояга муҳ-тож 20 та оила учун озик-овқат ва ноозик-овқат маҳ-сулотлари ёрдам тариқаси-да берилди. Партиясини дастурий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ҳомий ташки-

**Суҳбатни**  
**«Тошкент ҳақиқати»**  
мухбири **Наргиза**  
**ҲАСАНОВА** ёзиб олди.







## Маънавият

...Кундуз кечадан устун кела бошлаган, табиат Яратгандан бошқа ҳеч бир куч жиловлан олмас бир шиддат билан олға одимлаб, дов-дарахт турфа салла ўраган кунлари яна йўлим тушиб, ўша меҳмонхона ёнидан ўтиб қолдим. Аргувонларга боқиб, қотиб қолдим. Гўё бир ажиб мўъжиза рўй бергандек, энди аргувонларнинг гадир-будир танаси гуллаган эди!..

Тасаввур қилинг: юз-ни ажиндек қаттиқ пўстлок босган кекса аргувонларнинг аралланган жойидан то тупроққа тегиб турган тубига, у ер-бу ерида йиллар мобайнида тош қотган пўстлоқлар узра бир тўп-бир тўп кирмизи чечаклар чирой очиб турибди...

Кўнгилдан келган дастлабки фикр шу бўлди: "Аргувоннинг шохини кессанг, танаси, яъни туби гуллайди! Илдиридан айрилмас, бас!..." Азим Тошкентда, вилоятимизнинг турли шаҳарларида аргувон жуда кўп. Шу кунларда улар кийгос гулга кирган. Шўро даврида шохлари бутунлай каллаклаган аргувонлар ҳозирга келиб, роса шох отган, озодлик – мустақиллик шамоли теккан халқимиз кўнгил янглиг, кўкка бўй чўзган.

Бу кўккам уларнинг шохлари ҳам кирмизи гулларга бурканди-ю, аргувоний либос кийган ўзбек қиз-жувонларнинг ҳам рашкини келтирди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зотан, буюк Мир Алишер Навоий бир газалида аргувоний тўн кийган ёрнинг жилвасидан аргувоннинг рашки келганини, унинг ҳар шохиди

қизил қон бўлган қилич-ни кирмизи гуллаган аргувон шохига ўхшатади: *Навбахорки ишратам, Бедил, ки бо ин лоғарий,*

ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур Афғонистонда махсус аргувонзор боғлар барпо этган эди. У аргувон гулига мафтунлигини фа-

зи либос диёр рамзи бўлиб кўринмадини, дейсиз?!  
Ҳамал ойининг биринчи кунини нишонладиган Наврўзни жанубий вило-

Бунинг, табиий, бугунги тушунчалар билан айтиса, илмий асослари ҳам бор. Айни ана шу Наврўз кунларига келиб инсон вужуди дармондориларга (витаминология) очикқан бўлади. Илгари-ги йил мева-чеваларини Наврўзгача асраб, ўша кунини тановул қилиш ода-ти ҳам шундан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас.

Бу гаплар шунинг учун айтаётганимизки, суҳбатимиз бошида эсланимиз – мамлакатимиз пойтахтидаги аргувонларнинг бу йилги шашти ҳар қачонгидан ҳам баланд. Улар гўё мустақиллик йилларида тақдор-тақдор Наврўзни ўз ерларида ўзларини меҳмон деб ҳисобламасдан, ўз юр-ларини меҳмонхона деб ўйламасдан қутиб олаётганимиз!

Бу – улуг бахт!  
Буни Аллоҳ кўп кўрмасин бизга...

Яна бир гап: 21 мартда дунёнинг ҳамма жойида кун билан тун тенглашади. Шунинг учун ҳам Наврўзи олам дейилади.

Бироқ Наврўзнинг ўзбекистонимиздаги таровати Ер юзининг ҳеч қаерида йўқ. Наврўзни байрам қилиш аънавалари ҳам ҳеч бир маконда биздагидека ранг-баранг ва аънаваларга бой бўлмас керак.

**Султонмурод ОЛИМ,**  
Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг профессори в. б.

## АРГУВОНИЙ НАВРЎЗ

пайдо бўлган яроқ доғ янглиг эканини битган эди:

Аргувоний тўн била то  
жилва қилдинг,  
ваҳки, бор  
Хайратингдин аргувон  
шохига ҳар яфроғ доғ.

Навоий асарларида "арғувон", "арғувонгул", "арғувоний", "арғувонрез", "арғувонхад" каби сўзу ифодалар, бу жозиб дарахт билан боғлиқ тасвиру тасаввурлар бежиз учрамайди. Аргувоннинг қалин шохларига – танасига гуллаши кўп Шарқ шоирларига жўшқин-жўшқин илҳомлар берган. Аргувоннинг шохларига гуллаганини кўрмаган киши Навоийнинг "Бўлмиш" радиодиди газалидаги аргувоннинг шохлари узра гуллар тилга олинган мана бу байтлари мазмунини тушунай ўтиб кетавериши тайин:

Юзунг ҳажрида, билким,  
қон ёшим оқмиш  
чаман ичра,  
Қачон кўрсангки, ҳар бир  
шох уза гул  
арғувон бўлмиш.

Ҳиндистонлик форсийзабон ўзбек шоири Мирзо Абдулқодир Бедил эса ов пайти қип-



Хуни сайдам қард шох  
арғувон шамшерро.  
Мазмун: "Ишратим  
навбахори, эй Бедил,  
сенинг озғинлигинг шун-  
дан, овлаган овимнинг  
қонидан қиличнинг аргувон  
шохини каби бўлди".  
Тарихдан биламизки,  
улуг подшоҳ, саркарда

қат шеърларидагина  
ифодаб қўя қолмаган,  
балки ҳаётда ҳам аргувонзорларда кўп кезган.  
Яна ким билади, умри  
тўғри соғинчи, Ватан ар-  
мони билан ўтган бу  
буюк муҳожир ўзбекнинг  
қўзларига ана ўша аргувонлар кийган кирми-

ятларимизда "Қозон тўлди" дейишади. Бу шунинг учунки, халқ киши билан асраган нимаики тансиқ емаги бўлса, ана шу Наврўз кунини дастурхонга қўяди. Турли-туман таомлар пиширилади. Шунинг учун "Қозон тўлди" дейилади.

## Кўргазма

Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Бехзод мемориал бозмузейида миниатюрчи рассомлар асарлари кўргазмаси очилди.

## МИНИАТЮРА АСАРЛАРИ КЎРGAЗМАСИ

Унда Ўзбекистон Бадий академияси раиси А. Нуриддинов ва бошқалар юртида амалга оширилган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида буюк мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади. Миниатюра санъати асосчиларидан бири Камолитдин Бехзод номидида мемориал бозмузейи ташкил этилгани буюк миниатюрчи рассомга бўлган эътирмининг ёрқин ифодасидир.

Аллома асарларидаги эзгу гоҳлар бугунги ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни билимли, ватанпарвар, ҳар томонлама етук, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётди.

Кўргазмадан миниатюрчи рассомлар Б. Ҳошимовнинг "Камолитдин Бехзод", З. Сулаймоновнинг "Еш йигит", "Еш шоир", "Богдад бир кун", Б. Тожибоевнинг "Шоир", Р. Хайдаровнинг "Қутуш", А. Каримовнинг "Фор эгалари", "Мероҳ", Н. Каюмовнинг "Мадраса қурилиши", "Изҳор", Х. Муҳиддиновнинг "Чимилдик", С. Жалилова-нинг "Ўзбек аёли", "Шоҳнома", А. Солиевнинг "Ақбаршоҳ", "Бобурийлар" каби асарлари ўрин олган. Мазкур кўргазмада тасвирий санъат усталари билан бирга ёш муассирларнинг ҳам етмишдан зиёд асари намойиш этилмоқда.

Кўргазма давомида миниатюра санъатини ривожлантириш истиқболларига бағишланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Ў.А.

## Ҳажвия

## «ЎША ГАП – ГАП!»



Зимдан кузатсам, бирин-кетин уйланиб, бўйнига олаҳуржун ташаётган жўраларим тамоман бошқа одамга айланиб қолшайпти. Улфатларга ортиқча қўшилиш йўқ, кечқурунлари кўчага чиқиш чекланган, энг қадрдонларнинг яхши кўнларига шерик бўлиш учун ҳам нари борса бир соатча вақт топилади.

Ана шундай камнамо бўлиб қолаётган оғайниларга бир-икки писанда қилган эдим, уларнинг ҳаммаси бир хилда жавоб қайтаришиб, гапни қўсқа қилишди: – Сен ҳозирдан катта гапирма. Ҳали уйланг, ўшанда кўрмиз!

Шу сабаб бўлди-ю, вақти келиб уйлансам, хотинбой билан бу борада алоҳида келишиб, жа расмий бўлмас ҳам, оилавий кучга эга "битим" тўзиб қўйишни кўнгилга тугдим. Данғиллатиб тўй қилиб, келин болани эсон-омон "остонаси тиллодан" деб таърифланадиган хўрачамизга олиб кирганимдан кейин, никоҳнинг биринчи кечаси калладан пишитиб қўйган шартларимни не

ошналарниқига, хуллас, ман этилмаган жойларга бориш эҳти-ежи туғилса, ўзаро эътироз бил-дирмаслик, бўлар-бўлмасга рашқ қилмаслик, димоғ-фироққа изн бермаслик шартларимни ташкил этар эди.

– Сиз нима десангиз шу, – деди хотиним сўзларимни диққат билан тинглаб.

Унинг нақ ўзимбоп эканидан, айна пайтда эрга итоаткорлигидан ҳўрсанд бўлдим. Хуллас, ўзаро гапни бир жойга қўйиб, "истиснолар, тасодифлар, фавқулодда ҳолатлар" ҳақида ҳам атрофлича келишиб олдик.

Аваллига роса маза бўлди. Нўхтасини узган новвосдек шатлоқ отиб, басма-басига ошналар билан улфатчилик қилдик. Бугун туғилган кун, эртага "гап", индинга "юв-юв", ундан кейин "бош оғрик", сўнг яна бир нима ўйлаб топилади.

Аммо, ой ўтмай, бунақа маза-бемаза кўнгилхушлиқлар жонга тегиб чоғи, ҳамма жўралар ўзи билан ўзи овора бўлиб, чойхона ошхўрликлари кескин қисқарди.

хаёллар оғушида "қалт-қалт" титраётган ёстиқдошимга уқтира бошладим.

Оилавий муносабатларимиз тенг ҳуқуқчиликка асосланиши, мабодо кимда бирор ерга, айтйалиқ, учрашувга, концертга, чойхонага,

Боз устига ётиб еганга тоғ чидамас экан. Кўпчилик улфатларимизнинг, шу жумладан, каминанинг ҳам чўнтагида шамол ўйнай бошлади.

Чўпоннинг айрони кўп, бойвачанинг байрами. Аксига олиб, денг, хотинбойнинг юришлари кўпайгандан кўпая борди. Ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа "лик-лик". Кўни билан қўш ҳайдаган мардикордек гижим бўлиб қайтганимда, на ош-овқатнинг тайини бор, на уйда ҳаловатнинг. Бу ҳам етмагандек, топган-тутганимнинг ҳаммаси хотинбойнинг "борди-келди"сига кетадиган бўлди. Алам қиладигани, никоҳнинг биринчи кечасидаги келишувимиз менинг касас, фақат у кишининг фойдасига ишлайтгани.

Ишхонада юмушлар билан ўралашиб, бу можароларни пича унутганим, телефон жиринглади. Кўтарсам, у томондан мум-дек эриб аёлимиз гап бошлади: – Бегим, ўзингизми? – "Оббо, – дейман ўзинга ўзим. – Ана ашулачи тўғри айтган экан: "Бегим деманг, бегойим", деб. "Жоним"лаб жонимни олмасга гўрғайди..."

– Бугун қизлар билан дугонама Лолаҳонни кўргани туғуруқхонага бормоқчидик. Барака топкур, кўчкордек ўғил туғибди...

– Лолаҳонингиз ҳали эрга тегмаганди, шекилли...

– Бу нима деганингиз, вай? – тушунтирди аёлимиз. – Эрга тегмагани – Лаълихон.

– Унда ўтган ой тўққани қайси эди, Лаълихонимиз?

Хотинбой хандон отиб қулди. – Ҳазилингизам бор бўлсин, ўтган ой Дилпиз туғувдию... – Кейин мақсада кўчди: – Озроқ пул берсангиз, дедим...

Бунисига энди чолмадим. Ўдағайладим:

– Хоним, шу инкубатор дугоналарингизам, юришларингизам жонимга тегди! Қачон биз ҳам одамларга ўхшаб бундоқ хотир-жам яшаймиз?

Қаламқошим эса "қатлимга қасд қилиб", нозик жойидан олдилар:

– Арслон изидан, йигит сўзидан...

– Гап тамом! Ҳеч қаерга бормайсиз!! – Шаъмани дарҳол фаҳмлаб, чўрт кесдим. Аммо, негадир овозим қалтирар, сурма ютган хўроздек хиппа бўғилгандим. – Ўйга борганимда оқват тайёр бўлсин. Мошхўрда!

Ҳаҳл билан гўшани тараклатиб жойига қўйдим. Кечқурун бўшашибгина уйга қайтдим. Ҳеч қаерга қараб бўлмайдим. Ҳамма нарсаси остин-устун. Қозон сувда. Хўноним ошиб, ўзимдан чиққан балага лаънатлар ўқиб, бирор оби-ёвгон тайёрламоқда тутиндим.

Бир маҳал қарасам, ошхонадаги хонтахтамиз устида парча қоғоз турибди. Хат. "Бугун Сотволди қассобниқиди" "сабзи тўғрар" экан, бегим. Айтиб кетишди. Чуст пичогингиз билан оштахтани тайёрлаб қўйдим. Қассобнинг дастурхони қазили бўлади. Албатта чиқинг. Озроқ ичиб келсангиз ҳам майли, эътироз йўқ. Ўша гап – гап!..

Муҳаммад АЪЛО.

## Бу – қизиқ



Телефон кашфиётчиси Александр Белл.

Телефон кашфиётчиси Александр Белл ониси ва хотинига бирон марта ҳам кўнгирок қилмаган – сабаби улар гунг бўлишган.

Жанубий африкалик сиёсий арбоб Ян Христиан Сметс 5000 та китобнинг матнини ёддан билган, бирмалик Виситтабм Вумса 1974 йилда 6000 саҳифалик будда матнларини ёддан айтиб берган. Анкаралик Меҳмед Али Холисий 1967 йилнинг 14 октябрида олти соат давомида Курьонни ёддан айтиб берган.

Хитойлик Гу Янлин 26 ёшида Харбин шаҳридаги 15 мингта телефон рақамини ёддан айтган. Тасманиялик маълумотлар хизмати оператори Паула Прентис 128 603 абонентнинг телефон рақамини, исми, манзили, муассасасини ёддан айта олган.

Америкалик Барбара Мур 1852 та қўшиқни пианинода ёддан ижро этган. Унинг "концерти" 1988 йилнинг 25 октябридан 13 ноябригача давом этган!

Англиялик Доминик О Брайенга дунёнинг барча казиноларига кириш тақиқланган. У карталарни ёдлаб олиб, казинодан катта пул ютиб чиқиб кетиши мумкин. Бундан ташқари, Доминик бир соатда 300 тагача хорижий сўзни ёдлаши мумкин. 1994 йилда ўтказилган хитора бўйича чемпионатда у 15 дақиқада 152 та хитойча сўзни эслаб қолиб, голиб бўлган.

## Сураткаш ҳазили



Барибир шу тошни кўтараман!

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

## ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла  
АБДУШОҲИДОВ

Манзили:

100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

e-mail:

th.tp@mail.ru

Телефонлар:

Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,  
233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва  
муҳбирлар: 233-12-83, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бoshқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи

Муқаллас ИСРОИЛОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ